

ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Саидов Баходирхўжа Носирхўжаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Академияси мустақил изланувучиси

bahodirxujasaidov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20509260>

Аннотация: Мазкур мақолада қўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Қўриқлаш шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий табиати, унинг хизмат кўрсатиш шартномалари тизимидаги ўрни ҳамда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро корреспондент хусусияти ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Қўриқлаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва фуқаролик қонунчилиги нормалари асосида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари таҳлил этилган. Мақолада буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни, шартнома мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган айрим масалалар кўриб чиқилган. Шу билан бирга, қўриқлаш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва хулосалар илгари сурилган.

Таянч иборалар: қўриқлаш шартномаси, қўриқлаш фаолияти, қўриқлаш хизмати, буюртмачи, ижрочи, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ўзаро корреспондент ҳуқуқлар, шартнома мажбуриятлари, қўриқланадиган объект, жисмоний шахсларни қўриқлаш, мол-мулкни қўриқлаш, жамоат тартибини қўриқлаш, ҳуқуқий мақом, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, шартнома жавобгарлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти.

Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг амалий мазмуни иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари орқали намоён бўлади. Зеро, ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш мазкур муносабатнинг кимлар ўртасида вужудга келишини белгиласа, ҳуқуқ ва мажбуриятларни таҳлил қилиш ушбу муносабатнинг қандай тарзда амалга оширилишини очиб беради. Шу сабабли қўриқланадиган объектларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга оид шартноманинг ҳуқуқий табиатини тўлиқ англаш учун энди мазкур шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш зарур. Айнан улар орқали тарафларнинг

шартнома бўйича хатти-ҳаракатлари доираси, масъулият чегаралари, хавфларни тақсимлаш механизми ҳамда қўриқланадиган объектнинг киберҳимояланганлик ҳолатини таъминлашга қаратилган мажбуриятларнинг мазмуни аниқланади.

Бу борада М. А. Литвинова ҳам қуйидаги ўринли фикрларни айтиб ўтади: “Қўриқлаш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини махсус тарзда қўриб чиқиш зарур. Чунки шартноманинг тартибга солувчи (регулятив) салоҳияти айнан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда намоён бўлади. Шунингдек, тарафлар шартномавий муносабатларга айнан мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш мақсадида киришадилар. Демак, шартнома ҳуқуқий муносабат сифатида ўзининг амалий аҳамиятини тарафларнинг ўзаро боғлиқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тизими орқали намоён этади.”¹

Н.С.Нарматов тўғри таъкилаганидек, тарафларнинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартнома турига, аниқроғи, унинг предметига, яъни қўриқлаш шартномаси шартларига мувофиқ ижрочи томонидан кўрсатилиши лозим бўлган ва буюртмачи талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган муайян қўриқлаш хизматига боғлиқ бўлади².

Аввалги параграфларда қўриқлаш шартномасининг бир неча турлари таснифга ажратиб берилди. Ушбу тасниф учун умумий норма сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-778-сонли Қонун³да қўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Хусусан, Қонунинг 15-моддасида қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу ҳуқуқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

қўриқлаш фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш;

қўриқланадиган объект ҳудудида жисмоний ва юридик шахслардан қонунчиликка риоя этишни, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

¹Литвинова М. А. Договор на охрану имущества: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Волгоград, 2007. С. 14.

²Нарматов Н.С. Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш. дис. ... юридик фанлари номзоди. Тошкент, 2002. Б. 105.

³Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-778-сонли Қонун (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/778/0525-сон; 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон; 20.05.2026 й., 03/26/146/0514-сон)

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни бепул олиш, бундан қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган ҳоллар мустасно;

радиоалоқани амалга ошириш учун радиочастотадан (радиотўлқиндан) белгиланган тартибда фойдаланиш;

буюртмачидан кўриқлаш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни олиш;

кўриқланадиган объектни кўздан кечириш.

Кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Санаб ўтилган мазкур ҳуқуқлар ҳуқуқлар муайян кўриқлаш шартномасининг турига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг умумий ҳуқуқлари ҳисобланади ва улар кўриқлаш шартномасининг барча турларини самарали ижро этишнинг ҳуқуқий кафолати сифатида намоён бўлади. Бу ҳуқуқлар шартнома объектининг хусусиятига қараб турлича шаклда амалга оширилса-да, уларнинг ҳуқуқий табиати ва мақсади ўзгармайди.

Айтиш жоизки, “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида эса кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг мажбуриятлари ўз ифодасини топган. Демак кўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар кўриқланадиган объектлардаги хизматни ташкил этиш ва ўташ чоғида қуйидагиларга мажбур:

кўриқланадиган объектларнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаши;

кўриқланадиган объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини издан чиқаришга қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олиши ва ташиладиган юкларнинг бут сақланишини таъминлаши;

кўриқланадиган объектларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф қилишда иштирок этиши;

кўриқланадиган объектга қонунга хилоф равишда кирган шахсларни қидириш ва ушлашда иштирок этиши;

назорат-ўтказиш режимини ташкил этиши ва кўриқланадиган объект ҳудудида объектнинг ички режимига риоя этилишини назорат қилиши;

кўриқлаш фаолиятига замонавий техник воситалар ва тизимларни жорий этиши ҳамда улардан самарали фойдаланиши;

қўриқланадиган объектлар ҳудудида жамоат тартибини сақлаши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва уларга чек қўйиши;

қўриқлаш фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилмаслиги шарт.

Қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Демак, айтиш жоизки, белгиланган ушбу мажбуриятлар қўриқлаш шартномасининг алоҳида турига эмас, балки қўриқлаш фаолиятини амалга оширувчи субъектларнинг умумий ҳуқуқий мақомидан келиб чиқувчи универсал мажбуриятлар ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилиш шакли қўриқлаш объектининг хусусиятига қараб фарқ қилса-да, уларнинг ҳуқуқий моҳияти барча турдаги қўриқлаш шартномалари учун бир хил бўлиб қолаверади. Бу мажбуриятлар қўриқлаш хизматларининг сифатли ва самарали кўрсатилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий кафолатлар тизимини ташкил этади.

Қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан келиб чиқиб, айрим турдаги қўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўриб чиқамиз. Жумладан, мулкни техник қўриқлаш пункти орқали қўриқлаш бўйича шартномада назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими техник қўриқлаш муносабатларининг фуқаролик-ҳуқуқий табиатини намоён этади. Уларни алоҳида санаб ўтишдан кўра, илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мулкни техник қўриқлаш пункти орқали қўриқлаш шартномасида буюртмачининг мажбуриятлари асосан қўриқлаш хизмати самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Шу маънода буюртмачи нафақат хизмат истеъмолчиси, балки қўриқлаш натижасини таъминлашда фаол иштирок этувчи субъект ҳисобланади.

Буюртмачининг ҳуқуқий мажбуриятларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

техник мажбуриятлар — объектнинг техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация воситаларини соз ҳолатда сақлаш, қулфлар, эшиклар ва деразаларнинг муҳофаза талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

ахборот бериш мажбуриятлари — калитлар алмаштирилганда, кодлар ўзгарганда, алоқа маълумотлари янгиланганда ёки объект бутунлиги бузилганда ижрочини ўз вақтида хабардор қилиш;

махфийлик мажбуриятлари — сигнализация тизими ва объектнинг шартли рақами ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик;

молиявий мажбуриятлар — қўриқлаш хизмати ҳақини тўлаш, сохта чақирувлар ёки ўз айби билан етказилган зарарлар учун харажатларни қоплаш.

Назарий жиҳатдан мазкур мажбуриятлар қўриқлаш хизматининг натижасига таъсир кўрсатувчи ҳамкорлик мажбуриятлари ҳисобланади. Чунки техник қўриқлаш самарадорлиги фақат ижрочининг ҳаракатларига эмас, балки буюртмачининг белгиланган қоидаларга риоя қилишига ҳам боғлиқ.

Ижрочининг мажбуриятлари эса қўриқлаш хизматини ташкил этиш ва объектнинг муҳофазаланганлик ҳолатини таъминлашга қаратилган. Уларни назарий жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

ташкилий мажбуриятлар — объектни қўриқлашга қабул қилиш, қўриқлаш тартибини ташкил этиш, сигнализация воситаларини марказлаштирилган кузатув тизимига улаш;

техник мажбуриятлар — қўриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларини ўрнатиш, сошлаш ва уларнинг ишлашини таъминлаш;

реакция мажбуриятлари — сигнал келиб тушганда тезкор чора кўриш, ноқонуний кириб келган шахсларни ушлаш чораларини кўриш;

ахборот мажбуриятлари — тарифлар ўзгариши, техник узилишлар ёки қўриқлашни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар ҳақида буюртмачини хабардор қилиш;

мулкий жавобгарлик мажбуриятлари — шартнома шартларида назарда тутилган ҳолларда буюртмачига етказилган зарарни қоплаш.

Шахсий мулкни техник қўриқлаш пункти орқали қўриқлаш шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари классик ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси элементларини сақлаб қолган ҳолда, техник ва рақамли хавфсизликни таъминлашга қаратилган махсус фуқаролик-ҳуқуқий механизмни шакллантиради. Мазкур шартномада ижрочининг асосий мажбурияти объектнинг техник воситалар орқали қўриқланганлик ҳолатини таъминлашдан иборат бўлса, буюртмачининг асосий мажбурияти ушбу қўриқлаш тизимининг самарали ишлаши учун зарур ташкилий,

техник ва ахборот шароитларини яратишдан иборат ҳисобланади. Шу сабабли техник қўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро боғлиқ ҳамда корреспондент хусусиятга эга бўлиб, уларнинг йиғиндиси қўриқлаш муносабатининг ҳуқуқий мазмунини ташкил этади.

“Техник қўриқлаш воситаларини мониторинг ва назорат қилиш маркази орқали объектни қўриқлаш шартномаси” оддий ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан кўра мураккаброқ ҳуқуқий табиатга эга. Чунки бу ерда ижрочи объектни жисмоний тарзда эмас, балки техник ва рақамли инфратузилма орқали қўриқлаш мажбуриятини зиммасига олади. Шу сабабли шартномадаги тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам классик қўриқлаш муносабатларидан фарқ қилади.

Мазкур шартномада буюртмачининг мажбуриятлари таҳлили шуни кўрсатадики, у фақат хизмат ҳақини тўловчи шахс эмас, балки қўриқлаш тизимининг узлуксиз ишлаши учун зарур шарт-шароитларни яратувчи иштирокчи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан буюртмачининг мажбуриятлари учта асосий гуруҳга бўлинади.

Биринчиси, техник мажбуриятлар бўлиб, объектнинг техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация воситаларини соз ҳолатда сақлаш, электр таъминоти ва телефон алоқасининг ишлашини таъминлаш каби вазифаларни ўз ичига олади. Бу ҳолат қўриқлаш натижаси кўп жиҳатдан объектнинг техник ҳолатига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Иккинчиси, ахборот бериш мажбуриятларидир. Буюртмачи калитлар йўқолиши, объект режими ўзгариши, таъмирлаш ишлари бошланиши ёки мулкдор алмашиши ҳақида ижрочини ўз вақтида хабардор қилиши лозим. Бу мажбуриятлар қўриқлаш муносабатларида тарафлар ўртасида ахборот ҳамкорлигининг муҳим аҳамият касб этишини англатади.

Учинчиси, кибер ва ахборот хавфсизлигига оид мажбуриятлар бўлиб, шартли рақамлар, пароллар, сигнализация кодлари ва техник қўриқлаш тизими ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмасликдан иборат. Мазкур мажбуриятлар замонавий рақамли муносабатлар шароитида қўриқлаш шартномасининг киберхавфсизлик элементлари билан бойиб бораётганини кўрсатади.

Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий табиати ҳам оддий хизмат кўрсатувчидан кенгроқ мазмунга эга. У нафақат техник воситаларни ўрнатади, балки объектнинг хавфсизлик архитектурасини шакллантиради. Шартнома таҳлилидан келиб чиқиб, ижрочининг

мажбуриятларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: объектни техник экспертизадан ўтказиш, хавфли нуқталарни аниқлаш, сигнализация тизимини ўрнатиш ва марказлаштирилган кузатув пультага улаш, доимий мониторингни амалга ошириш, «Тревога» сигнали келганда тезкор ҳаракат қилиш, ноқонуний кириб келган шахсларни ушлаш чораларини кўриш, техник хизмат кўрсатиш ва модернизация қилиш.

Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, ижрочининг асосий вазифаси мол-мулкни сақлаб бериш эмас, балки объектнинг техник қўриқланганлик ҳолатини таъминлаш ҳисобланади. Шу сабабли мазкур шартнома натижага эмас, балки профессионал ҳаракатларни лозим даражада амалга оширишга қаратилган хизмат кўрсатиш мажбурияти сифатида намоён бўлади.

Мазкур шартнома таҳлили шуни кўрсатадики, техник қўриқлаш шартномасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро боғлиқ характерга эга. Буюртмачи объектнинг техник тайёрлигини таъминлаши лозим бўлса, ижрочи мазкур техник муҳит асосида хавфсизликни таъминлаш мажбуриятини олади. Шу маънода шартнома фақат мулкни қўриқлаш ҳақидаги келишув эмас, балки объектнинг муҳандислик-техник, ахборот ва рақамли инфратузилмасини хавфсиз ҳолатда сақлашга қаратилган комплекс фуқаролик-ҳуқуқий конструкция ҳисобланади.

Жисмоний шахсларни қўриқлаш ва кузатиб бориш хизматларини кўрсатиш шартномаси таҳлили шуни кўрсатадики, унинг ҳуқуқий мазмуни оддий мол-мулкни қўриқлаш шартномаларидан анча кенг бўлиб, шартноманинг асосий объекти сифатида мол-мулк эмас, балки инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, эркин ҳаракатланиши ва шахсий хавфсизлиги намоён бўлади. Шу сабабли мазкур шартномада назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими ҳам қўриқлаш хизматининг алоҳида тури — шахсий қўриқлаш фаолиятининг ҳуқуқий табиати билан белгиланади.

Буюртмачининг ҳуқуқлари таҳлилидан кўринадики, улар асосан ижрочи томонидан хавфсизлик хизматининг сифатли ва самарали ташкил этилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилган. Хусусан, ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя қилишни талаб қилиш, қўриқчиларнинг интизом бузилиши ҳолатларини бартараф этишни сўраш, хизмат кўрсатиш жараёнини текшириш, қўриқчиларни алмаштиришни талаб қилиш ва етказилган зарарни қоплашни сўраш ҳуқуқлари буюртмачининг шартнома бўйича кредитор сифатидаги ҳуқуқий мақомини ифодалайди. Бунда буюртмачининг ҳуқуқлари фақат хизмат натижасини

қабул қилиш билан чекланмай, балки хавфсизлик хизмати ташкил этилиши жараёнига таъсир кўрсатиш имкониятини ҳам ўз ичига олади.

Буюртмачининг мажбуриятлари эса шахсий кўриқлаш хизмати амалга оширилиши учун зарур ташкилий ва техник шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Маршрут схемаларини олдиндан тақдим этиш, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлаш, кўриқланувчи шахслар рўйхатини шакллантириш, ҳудудларга кириш имкониятини таъминлаш ва хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш каби вазифалар кўриқлаш хизматининг самарадорлиги кўп жиҳатдан буюртмачининг фаол ҳамкорлигига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шу маънода мазкур шартнома классик ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидаги каби бир томонлама хизмат истеъмоли эмас, балки тарафларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган ҳуқуқий муносабат ҳисобланади.

Ижрочининг ҳуқуқлари таҳлил қилинганда улар асосан кўриқлаш тадбирларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ваколатларни ўз ичига олиши кўринади. Айниқса, буюртмачидан маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш, хавфсизликни кучайтириш бўйича тавсиялар бериш ҳамда қонунчиликда белгиланган ҳолларда қурол, жисмоний куч ва махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқлари ижрочининг нафақат шартномавий, балки оммавий-ҳуқуқий ваколатларга ҳам эга эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат мазкур шартноманинг аралаш ҳуқуқий табиатга эга эканлигини англатади.

Ижрочининг мажбуриятлари эса шахсий кўриқлаш шартномасининг асосий ҳуқуқий мазмунини ташкил этади. Жумладан, кўриқланувчи шахслар хавфсизлигини таъминлаш, кўриқчиларни қурол ва махсус воситалар билан таъминлаш, ҳаракатланиш маршрути бўйича доимий кузатувни амалга ошириш, ҳар икки соатда буюртмачини вазият ҳақида хабардор қилиш, юқори малакали ходимларни жалб қилиш, жисмоний ва махсус тайёргарликни таъминлаш каби вазифалар ижрочининг фаол ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини англатади. Бу ерда муҳим жиҳат шундаки, ижрочи муайян натижани кафолатламайди, балки хавфни минималлаштириш учун барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Мазкур шартномада алоҳида аҳамиятга эга бўлган жиҳатлардан бири махфийлик мажбурияти ҳисобланади. Ижрочининг буюртмачи, кўриқланувчи шахслар, ҳаракатланиш маршрутлари ва хавфсизлик чоралари ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик

мажбурияти замонавий шароитда шахсий хавфсизлик билан бир қаторда ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ҳам юклайди. Бугунги рақамли муҳитда қўриқланувчи шахснинг ҳаракатланиш маршрути, жойлашуви ёки шахсий маълумотларининг тарқалиши унинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли мазкур шартномада киберхавфсизлик элементлари ҳам билвосита мужассамлашган.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, мазкур шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими шахс хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс фуқаролик-ҳуқуқий муносабатни шакллантиради. Унда ижрочининг асосий мажбурияти қўриқланувчи шахснинг ҳаёти ва соғлиғини ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишдан иборат бўлса, буюртмачининг асосий мажбурияти мазкур хавфсизлик хизматининг самарали амалга оширилиши учун зарур ташкилий, техник ва ахборот шарт-шароитларини таъминлашдан иборат ҳисобланади. Шу боис мазкур шартнома ҳуқуқий табиатига кўра шахс хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўлиб, унинг мазмунида хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий элементлар ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён бўлади.

Бугунги рақамли трансформация шароитида мазкур шартнома предмети янада кенгайиб, сигнализация тизимлари, марказлаштирилган мониторинг платформалари, алоқа каналлари ва булутли кузатув тизимларининг киберхавфсизлигини таъминлаш элементларини ҳам қамраб олмоқда. Шу боис техник қўриқлаш шартномаси замонавий фуқаролик ҳуқуқида мол-мулк хавфсизлиги, техник хавфсизлик ва киберхавфсизликни бирлаштирувчи комплекс хавфсизлик шартномаси сифатида баҳоланиши мумкин.

Қўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур шартнома қўриқлаш фаолияти муносабатларининг марказий ҳуқуқий механизми ҳисобланади. Айнан шартнома орқали қўриқлаш хизматини кўрсатувчи субъект ва буюртмачи ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар шаклланади, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик чоралари аниқлаштирилади. Шу жиҳатдан қўриқлаш шартномаси нафақат ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берувчи юридик факт, балки қўриқлаш муносабатларини тартибга солувчи муҳим фуқаролик-ҳуқуқий регулятор сифатида ҳам намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари кўриқлаш шартномасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар корреспондент характерга эга эканлигини кўрсатди. Ижрочининг кўриқлаш хизмати сифатли ва самарали кўрсатиш мажбурияти буюртмачининг мазкур хизматни талаб қилиш ҳуқуқига мос келса, буюртмачининг хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбурияти ижрочининг ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига мос келади. Шу билан бирга, кўриқлаш муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, буюртмачи хизмат натижасини пассив қабул қилувчи субъект эмас, балки кўриқлаш хизматининг самарали амалга оширилиши учун зарур ташкилий, техник ва ахборот шароитларини таъминлашда фаол иштирок этувчи субъект ҳисобланади.

Шунингдек, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мазмуни кўриқлаш объектининг хусусиятига қараб фарқланиши аниқланди. Жисмоний шахсларни кўриқлаш шартномаларида шахснинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган профилактик ва ташкилий чора-тадбирлар устувор аҳамият касб этса, мол-мулкни кўриқлаш шартномаларида объектнинг техник жиҳатдан мустаҳкамланганлиги, сақланиш шароитлари ва кўриқлаш режимининг таъминланиши муҳим ўрин тутди. Техник кўриқлаш шартномаларида эса тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўриқлаш сигнализацияси, видеокузатув тизимлари, марказлаштирилган кузатув пульталари ва бошқа муҳандислик-техник воситаларнинг ишончли фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлади.

Бугунги рақамлаштириш жараёнлари шароитида кўриқлаш муносабатларининг мазмуни янги элементлар билан бойиб бормоқда. Кўриқлаш сигнализациялари, видеокузатув тизимлари, киришни назорат қилиш воситалари ва марказлаштирилган мониторинг платформалари киберхужум объектига айланиши мумкинлиги кўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу сабабли кўриқлаш шартномасида ахборот хавфсизлиги, махфийлик, киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани муҳофаза қилиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, замонавий шароитда кўриқлаш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нафақат жисмоний хавфсизликни таъминлашга, балки кўриқланадиган объектнинг техник, рақамли ва ахборот муҳитидаги ҳимояланганлик ҳолатини сақлашга ҳам қаратилган комплекс ҳуқуқий механизм сифатида баҳоланиши лозим. Бу эса кўриқлаш



шартномасининг ҳуқуқий табиати эволюцияси натижасида унинг анъанавий қўриқлаш хизматлари доирасидан чиқиб, комплекс хавфсизликни таъминлашга қаратилган замонавий фуқаролик-ҳуқуқий конструкцияга айланиб бораётганлигини кўрсатади.